

Ушбу сонда:

2 ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

3 ҲУҚУҚИНГИЗНИ ТАЛАБ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БИЛИНГ!

4 СПОРТ ЁШГА БОҒЛИК ЭМАС

БЎШ ИШ ҲИМОЯСИ ЯРМАРКАСИ

Балиқчи туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбир арафасида туман газетаси, радиоси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари орқали кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилганлиги туфайли унда кўплаб қишлоқ ёшлари қатнашди. Ярмаркада 34 та корхона, ўнлаб хунарманд-устозлар, хусусий кичик корхоналар ўзларида мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этди. Шу кунги юзга яқин ёшлар ишга қабул қилинди. Ўнлаб йигит-қизларга қайта ўқитиш курсларига, миллий хунармандчиликни ўргатишга йўлланма берилди.



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
1999 йил 22 июн, сешанба №81 (728)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ДЕБ ЮРИБМИЗ

Мен умрини далада ўтказиб олган оддий бир одамман. Ҳаётда кўп яхши-ёмон кунларнинг гувоҳи бўлганман. Кўп катта-кичик одамлар, раҳбарлар билан мулоқотда бўлишимга тўғри келган. Аммо шу йилнинг 18 июни кунини маълуматимиз Президентини Исроҳ Каримов менинг даламга келиб ишларим билан танишганда, мен билан кучоқлашиб қўришганда қаттиқ ҳаяжонландим. Ҳаётимда у кишидек бағрикенг, меҳрибон ва самимий одамни кам учратганман. Юртбошимиз мен билан очкичасига, дилдан сўхбатлашди. Бошида бироз тортиниб турдим. Карасам, у киши ниҳоятда очик кўнгиллик билан мен билан гаплашишни хоҳлапти. Деҳқончилик ҳақидаги фикрларимиз ҳамонан эканидан хурсанд бўлдим.

Мизни бажардик. Давлат оморларига 52 тонна сара дон етказиб бердик. Насиб бўлса, ҳўжалигимиз галлакорлари мавсумда ҳар гектар майдондан ўртача 40-45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб туришибди. Ҳўжалигимизда гўза парвариши ҳам меъёрида борапти. Мамакатимиз қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотлар туфайли қишлоқда ерга эгалик ҳисси кучайди. Бизнинг оилавий пудрат бригадамиз аъзолари ҳам қанча яхши меҳнат қилсак, қанча кўп ҳосил олсак, даромадимиз ҳам шунча кўп бўлишини яхши биладилар. Меҳнатимиз туфайли бугун дастурхонларимиз тўкин, ҳеч қимдан кам жойимиз йўқ. Президентимиз Қашқадарё вилоятига сафари давомида меҳнатқашлар билан учрашувларда ёшлар тарбиясига эътиборни қаратишимиз зарурлигини таъкидладилар. Ҳа, очигини айтсак, биз дунёнинг ҳузур-ҳаловатини озми-кўпми татиб кўрдик. Қолган умримизни бола-ларимиз, фарзандларимиз

деб юрибмиз. 16 феврал воқеалари кишини ҳўшёр торттиради. Эртанимиз кимнинг кўлида бўлади? Ким биз бошлаган яхши, эзгу ишларни давом эттиради? Пахта, галла ҳаммамизнинг ишимиз. Иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмаган давлатнинг мустақиллиги хавф остида қолади. Бунинг яхши тушунамиз. Бироқ Юртбошимизнинг қайта-қайта таъкидларидан шунинг англадимки, ёшлар ҳаммиз биз катталарнинг эътиборига нафақат моддий, балки кўпроқ маънавий ёрдамимизга муҳтож. Улар биздан зўрроқ, илмлироқ, бахтлироқ бўлиши учун кўлимиздан келган ҳамма ишни қилиш бизнинг оталик бурчимиздир. Бунинг учун энг аввало, тинчлик керак ва Оллоҳга шукри, юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор. Шу тинчлик ва барқарорликни авайлаб-асраш барчамизнинг бурчимиздир. **Абдимурад БОЗОРОВ, Камачи тумани «Чим» хўжалиги оилавий пудратчиси (Ў.А)**

Ғалла-99 МУНОСИБ ҲИССА

Жиззах вилояти Пахтакор тумани ғаллакорларининг мўл ҳосил йўлидаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Далаларга «Юна» нави сепилган эди. Бугун бошоқлар донга тўлди. Маҳобатли 14 та «Кейс» русумли комбайнлар деҳқоннинг ҳожатини чиқармоқда. Суръат мўлжалдаги 35 минг тонна ҳосил ўз муддатида йиғиштириб олинишидан далолат бермоқда. Хусан Сурмонов раҳбарлик қилаётган «Гулистон» хўжалиги деҳқонлари гектаридан 50 центнердан оламиз, деган ниятда меҳнат қилмоқдалар.



ДОН МЎЛ, КЎНГИЛ ТЎҚ

Ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан бошлаган Олтиариқ тумани деҳқонлари вилоятда пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар. Улар йиллик режани ярмини уddалаб қўйдилар. Тумандаги Янгиобод жамоа хўжалиги аъзолари эса эл-юрт олдидаги ваздаларининг устидан чиқишиб ғолиблик тақсинига сазовор бўлдилар. Деҳқонлар 296 гектар ерга бошоқли дон экинлари экиб, уни агротехник талаблар асосида парвариш қилдилар. Ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик қўрилди. Тадбиркорлик билан қилинган саъй-ҳаракат, меҳнат самарасини берди. Давлатга 854 тонна сифатли дон етказиб берилгани ҳолда 213 гектар майдондаги ғалла ўриб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнерга тўғри келди. Мамадалиев Дадаев, Хамроқул Йўлдошев, Соҳибжон Мамадалиев бошчилигидаги дончилик звеноларида ҳосилдорлик 50-58 центнерни ташкил қилди. Бунда Мўйдинжон Раҳмонов, Маъмуржон Мамажонов, Авазбек Орипов, Халимжон Лутфуллаев, Ниёзбек Камолов, Иброҳим Сиддиқов, Воҳиджон Ҳамролиев, Усмонали Мамажонов каби комбайн ва транспорт бошқарувчиларининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мамлакатимиз тадбиркорлари
Мамлакатимиз Президенти Қашқадарё вилоятига сафари чоғида ҳаётимиз гуллари - аёлларнинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти, тиббий таъминоти, уларни ўйлантираётган муаммолар билан атрофлича қизиқди. Муаммоларни жойида ҳал этиш, хотин-қизларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди. Давлатимиз раҳбарининг аёлни ҳурмат қилиш - онани ҳурмат қилиш демакдир. Мен она деганда, Ватани, Ватан деганда онани тушунаман. Аёлни, онани улуғлаш эса, Ватани, юртини улуғлашдир, деган сўзлари барчанинг юрагидан чуқур жой олди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА АЁЛ

Бозор шароити муаммоларини ҳал этиш, оилада соғлом муҳит яратиш борасида аёллар алоҳида тадбиркорлик, жонбозлик кўрсатаётганликларини барча чуқур ҳис қилиб турибди. Шу ўринда ҳаётини мисол келтирсак Малика Раҳматова ташкилотчи, билимдон, айни пайтда қатъиятли инсон. Аёлман деб умрдошининг топиш-тутишига кўз тикиб ўтирмади. Қатъий ҳаракат қилиб тадбиркорлар сафига қўшилди. Яхшилар кўмаги ва маслаҳати асосида 5 миллион сўм кредит олиб, уч қаватли маиший хизмат корхонасини сотиб олди. Дастлаб осон бўлмади. Биноларни таъмирлаш, бунинг учун малакали ишчиларни жалб этиш учун кўп олиб-югурди. Вақт ўтиши билан у қўли гул тикучилар, тадбиркорларни корхонасига жалб этди. Бозор талабини синчиклаб ўрганиб, энг харидориги қийимлар тайёрлашга киришди. Маҳсулот сони ва сифати ой сайин яхшиланди. Улар Тошкент, Андижон бозорларида ҳам сотила бошланди. Ҳозирги кунда Малика Раҳматова корхонасида тайёрланаётган юкори сифатли кийим-кечаклар харидорлигига билан ажралиб туради. Айниқса эркекларнинг устки кийимларига Сирдарё, Тошкент шаҳридан сўраб келувчилар кўп.

Малика опа шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулзира Шариповадан миннатдор. Унинг ташаббуси билан турли семинарлар уюштирилиб, тадбиркорлар тажрибаси оммалаштирилмоқда. Илгор иш усуллари амалиётга дадил жорий этилмоқда. Ҳўқоя қилишларича, Малика Раҳматова бахтли хонадон соҳибаси. Файзли гўшада бўлган кишининг ҳаваси келадди. Фарзандлар тарбияси, рўзгор юртичи масалаларида ҳам опа кўпчиликланамуна. Бозор қийинчиликлари ўткинчи, фикрини ифодалайди М.Раҳматова. - Бунинг чуқур англаган ҳолда эркекларимиз ёнига кириб, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўлишимиз керак. Умуми ишлаб, барча яхши фазилатларимизни намоеён этиш учун шароит муҳайё этилган. Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларга катта имтиёзлар яратилганлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди, умуми, баракали меҳнатга чорлади. Фақат бир нарсани орзу қиламан: Ҳалол меҳнат орқали бойибётган тадбиркорни тўғри тушуниш, уни қўллаш жуда муҳим. Демократик ҳаётда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак. Шунда ҳар қандай майда гап-сўзлардан ҳоли бўламиз. Қолаверса, текширувларни тартибга солиш масаласини қатъий йўлга қўйиш лозим. Зеро, бу масалада Олий Мажлис XIV сессиясида алоҳида гап борганлиги бежиз эмас.

Абдул РОЗИК.

«ЛИСОНУТ-ТАЙР» ТАЛКИНИ - САҲНАДА

Ўзбекистон Ёшлар театрида Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асарини асосида яратилган мимик томошанинг қайта ишланган қисми кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Маълумки, асар премьераси шу йилнинг 30 мартида бўлиб ўтган эди. Спектакл театр муҳлиси тўмонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мумтоз адабиётимизнинг эркин намунаси «Лисонут-тайр» достони бутун мазмун-моҳияти билан ўзига хос асар сифатида барча бирдек тушуна оладиган саҳна асарини қўришига эга бўлди. Асар тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат Махсусатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

Жўшқин ҳаёт нафаси ПАХТАЧИ ЗАФАРИ

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ғаллакорлари зафар маррасига етиб келди. Деҳқонлар вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш давлат буюртма режасини ошириб бажардилар. 3 минг 500 гектар майдондан ўртача 40 центнердан ҳосил олинди, хирмонга 9 минг тонна сара дон топширилди. Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда, ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб тақрорий экинлар экилмоқда.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Бу йилги муайян табиий қийинчиликларга қарамай, Жиззах тумани пиллакорлари катта ғайрат кўрсатдилар. Улар вилоятда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш давлат буюртма режасини бажаришди. Қабул пунктларига 60 тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси топширилди.

ВИЛОЯТНИНГ БОШҚА ТУМАНЛАРИ ПИЛЛАКОРЛАРИ ҲАМ БИРИН-КЕТИН ҒАЛАБА МАРРАСИ САРИ ЯКИНЛАШМОҚДА.

УНИВЕРСИТЕТДА ТИЛЛАР МАРКАЗИ

Мирзо Улугбек номлидаги Тошкент Давлат Университети қошида тиллар маркази ташкил этилди. Унга уч бўлим, ўн кафедра ва 81 нафар ўқитувчи бириктирилди. Университет ҳисобидан 162 минг сўмлик ўқув адабиётлари тўхфа этилди. Марказнинг аспирантлар бўлимида ижтимоий ва табиий соҳаларда илмий иш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар тахсил олади, малака ошириш бўлимида эса республика олий ўқув юртлари хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари ўз малакасини оширади, учинчи бўлим - пуллик курсларда ҳоҳловчи талаба ва абитуриентларга чет тиллар ўргатилади.

ТЎРТ ТУМАН МАРРАДА

Корақўл тумани ғаллакорлари 11 минг 250 тонналик хирмон уйиб, давлатга дон топшириш шартнома режасини Бухоро вилоятида биринчи бўлиб бажарди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 36,3 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагидан 15 центнер кўпдир. Оилавий пудратда ишлаётган ғаллакорлар айниқса юкори натижага эришди. Жумладан, Охунбоев номили хўжалиқдан Гулсара Бобоева тўққиз гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 41,5 центнер ўрнига 70 центнердан ҳосил олди. Шунингдек, қабул пунктларига 10 минг 150 тонна дон топширган Олот, қарийб 10 минг 500 тонналик хирмон уйган Жондор, япни хирмонга 10 минг 270 тонна дон етказиб берган Пешку туманлари ғаллакорлари ҳам давлатга дон топшириш шартнома режасини бажардилар. Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. **(Ў.А)**

РАҲИМЖОН ҲАМИДОВ, «ИШОНЧИ» МУҲБИРИ.

OLAMDA NIMA GAP

К Ё Л Н. «Катта саккизлик» мамлакатларининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди. Яқуний мажлисда Россия Президенти Б.Елцин сўзга чиқиб, дунёвий ҳавфсизликни таъминлаш масаласи бўйича қатор тақлифлар киритди. Хусусан, у БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги сессиясига қадар учинчи давлатларга нисбатан куч ишлатиш тўғрисида ҳуқуқий-меъёрий акт ишлаб чиқиш, шунингдек, «Катта саккизлик»нинг кейинги саммитига ҳалқаро муносабатлар ҳақидаги ҳужжатни тайёрлашни таклиф қилди.

Яқуний йиғилишда Россиянинг ташқи қарзлари масаласи ҳам кўриб чиқилди. Б Р Ю С С Е Л. НАТО бош котиби Ҳ.Солана расмий баёнот берди. Югославия армияси бўлинулари ва полицияси Косоводан чиқиши муносабати билан альянс бу давлатни бомбардировка қилишни тўхтатганини маълум қилди. Косовода қирқ мингдан зиёд югославиялик ҳарбий ва полициячи бор эди. Кунинг кеча НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони генерал Уэсли Кларк бош котибга уларнинг Косоводан бутунлай олиб чиқилганини билдирди.

К Ё Л Н. «Катта саккизлик» саммити доирасида Россия ва АКШ президентлари икки давлат ўртасида «СНВ-3» (учинчи даражали стратегик қуроллар) шартномаси бўйича музокараларни давом эттиришга келишиб олди. Икки томонлама маслаҳатлашувлар шу йилнинг кузида бошланади. Россия ташқи ишлар вазири И.Ивановнинг таъкидлашича, Б.Елцин ва Б.Клинтон қуролсизланиш бўйича музокараларни давом эттириш тўғрисидаги Россия-АКШ ҳужжатини ҳам имзолаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ 1999 йил 22 июндан 26 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг команда-штаб машқлари ўтказилади. Машқ давомида Мудофаа вазирлигининг Республика пойтахти ҳавфсизлигини, энг муҳим хўжалик объектлари коммунал-қияларини қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлаш, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Қуролли Кучларни ислох қилиш ва таркибининг янгилаш доирасида қўшилмалар, қисмлар жанговар қобилиятини ошириш бўйича бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлиги масалаларини такомиллаштириш режалаштирилмоқда. **(Ў.А)**

Жалолкудук туманида 300 ўринли коллеж бинони жадал суратлар билан қад қўтармоқда. Бинони вилоятдаги агроқурилиш бирлашмаси қурувчилари барпо этмоқдалар.

Бунёдкорлик ишлари шу йилнинг февраль ойида бошланган бўлсада, ҳозиргача бу ерда 200 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Кўркам бино қад ростлаб, пардозлаш ишлари бошлаб юборилди.

КОЛЛЕЖ ҚУРИЛИШИДА

Тунги навбатда ишловчиларга имтиёз

Бош пудратчиси Андижондаги ҳўжаликларро кўчма механизациялашган жамланма, шунингдек Жалолкудукдаги 4, Қўрғонтепадаги 3, Марҳаматдаги 113 - ХКМС бунёдкорлари бу ерда вақт билан ҳисоблашмай ишломқдалар.

77 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса, июн ойида бу миқдорни 120 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Ишловчиларнинг кучли ижтимоий ҳимояга олинганлиги муваффақият омилли бўлмоқда.

Тунги навбатда ишловчиларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунига асосан оширилган иш ҳақи тўланмоқда. Қурувчиларга қорхона ҳисобидан кунига икки маҳал иссиқ овқат, бир маҳал нонушта ташкил этилган. Шунингдек, шароити оғир ишчилар алоҳида ҳисобга олиниб, қорхона касабаси уюшмалари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Яқинда коллеж қурилишида фидоқорлик кўрсатиб ишлаёт-

ганлардан 180 нафар ишчи-хизматчилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» кўмагида Самарқандга бир кунлик

саёҳатга юборилиб уларнинг ҳар бирига 16,5 миң сўмдан маблағ сарфланди. Энг муҳими ишчилар мустақиллик неъматини - имом Ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлишди.


— Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги нишонланадиган кунга қадар коллеж қурилишини ниҳоясига етказиб, ўқувчиларга байрам тухфаси тарзида топшириш мақсадимиздир, - дейди Ўзбекистон халқ демократик партияси 1-ХКМС бошлангич ташкилотчи котиби Б. Арслонбекова биз билан суҳбатда. - Ана шу эзгу мақсадга эришиш учун қурилишда иштирок этаётган жамоалар ўртасида меҳнат беллашуви намунали ташкил этилди. Қо-

Мустақиллик шарофати

Кўчалар кўрки

Пойтахтнинг Юнусобод туманида Амир Темур ва Аҳмад Доғиш кўчалари кесилган жойда ажойиб кўприк бунёд этилмоқда. Унинг қурилишида «Кўприкқурилиш» трестининг 13-, 15-, 67-, 68- бўлинмалари ҳамда «Тошметроқурилиш» трестининг 2-туннел жамланма қурувчилари иштирок этишяпти. Узунлиги деярли ярим қақирим, эни эса 30 метр бўлган ушбу кўприкни қурувчилар мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш учун астойдил бел болаганлар.

Суратларда: Пайвандчи Абдумалик Бўстонов. Кўприк қурилишдан лавҳа Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.



Шуқурло НЕЪМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.



Касаба уюшма ҳаёти: ҳисобот ва сайловлар ИШЧИ ТАКЛИФИ

«Тўртқўлдон» ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшмаси ҳисобот-сайлов йиғилиши ишчанлик, талабчанлик вазиятида ўтди. Сўзга чиқувчилар аниқ тақлифларни ўртага ташладилар. Қуйида баъзи нотиклар фикрларини келтирамиз.

Жаббор Эгамбердиев - касабакўм раиси. Жамиятимиз тумандаги йирик дон қабул қилиш ва қайта ишлаш қорхонасидир. Касабақўм ва маъмурият ҳам-жиҳатлик билан фаолият олиб бормоқда. Ишчимизнинг асосий йўналиши ҳар бир ишловчини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини, техника ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилгандир.

Амалдаги йилнинг ўтган даврида ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси мақсадларига 741 миң сўм сарфланди. Юз миң сўмга махсус кийим-бош харид қилинди. Бу йил ун тегиримини, чанг ютиш мосламаси ўрнатилди. Қорхона ҳудудида 600 квадрат метр майдон ободонлаштирилди, 1.500 тун мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Ўртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида касабаси уюшмалари олдида қўйилган долзарб вазифаларни оғишмай бажариш, фаолиятимизда юз бераётган баъзи хато ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш - бундан кейин ҳам асосий иш мезони бўлиб қолади.

Саодат Сейитниёзова - лаборант: Биз оддий ишчилар доимо касабакўм ва маъмурият эътиборини, ғамхўрлигини, амалий кўмакларини ҳис қилиб турибмиз. Ишчимизда ютуқлар талайгина, аммо қатор имкониятлардан фойдаланилмаётганидан ҳам кўз юммаслик керак. Масалан, қувватлардан янада унумли фойдаланиб, кўпроқ маҳсулот тайёрласак, манфаатдорлигимиз ошар эди. Бу - касабаси уюшма диққат-эътиборида бўлиши лозим деб ҳисоблайман.

Ўринбой Оллаберганов - оғир муҳбир. Касаба уюшма ташкилотининг ҳисоботини маъқуллайман. Чунки, раёсат аъзолари, фаоллар меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш, ҳар бир ишловчининг қорхона ағаси, ҳўжалиши сифатида ҳис қилишлари учун жонбозлик кўрсатмоқда.

Фарход Жумабоев - ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси. Қорхонамиз Беруний, Эллиқалъа ва Тўртқўл туманлари аҳолисига дон маҳсулотлари етказиб беради. Жамоани мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилишга эришдик. Бу йўналишдаги ишларимиз доимо касабаси уюшмаси билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилади.

Қорхонада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ҳам касабакўм яқиндан кўмаклашади, фойдали маслаҳатлар бериб боради. Жумладан, акциялар чиқариш ва уларни сотишда ўзаро ҳамкорлигимиз яхши самара берди. 12783 дон, ҳар бири 200 сўм номинал баҳодаги акциялар чиқарган эдик. Ўтган йил яқунларига қўра ҳар бир акцияга 770 сўмдан дивидент бердик.

Ҳозир янги бугўди ҳосилини пешма-пеш қабул қилиб оляямиз. Биз 18 та ҳўжалик, 110 та фермер, бешта дон етиштирувчи бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузганмиз. Янги ҳосилни қабул қилиш, сифатли ҳолда сақлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, дон ризқ-рўзимиз, халқ бойлигидир. Уни кўз қорачигидек асраб-авайлашда касабаси уюшмаси фаоллари ҳамиша яқиндан ёрдам берадилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши якунида агроасаноат мажмуи ходимлари Тўртқўл туман кўмитаси раиси ўринбосари Гўлсара Бобониёзова билан ҳам қисқача мулоқотда бўлдик.

Айни кунларда 47 та бошлангич касабаси уюшмаларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтаяпти, - дейди у. - Бундан халқ олдинроқ 243 гуруҳ, 43 ҳеч касабаси уюшмаларида йиғилишлар ўз-ўзини танқид руҳида ўтказилди. Бу тadbирларда касабаси уюшмаси аъзолари томонидан 311 та тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Ҳозирги кунда ёшлар тарбияси энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида келажак эгалари ҳақида ғамхўрлик давлат диққат-эътиборида бўлган ва шундай бўлиб қолади, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Вилоятдаги металлургия ва машинасозлик саноати қорхоналари касабаси уюшма кўмиталари ёшлар билан ишлаш масаласига катта эътибор бермоқда.

Айниқса Олмалик кон-металлургия комбинати, «Трансформатор», «Ўзбеккинемаш», Ўзбекистон қаттиқ қотишмаси ва ўтга чидамли металл комбинати очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, Ўзбекистон металлургия комбинати каби қатор қорхоналарда бу йўналишда ибратли ишлар қилинмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинатида Ҳар йили спартакиада ўтказиш аънағана айланиб қолган. Цехлари ва бўлинмалар

ўртасида спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб бундай тadbирларда оилавий командалар қатнашмоқда.

Спортнинг миллий кураш турини оммалаштириш ва ривожлантириш ниятида вилоят мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, ўтган йил декабр ойида вилоят кўмитаси ҳузурда касабаси уюшмалари жисмоний тарбия спорт кенгаши тузилди. Кенгаш апрел ойида тармоқ бўйича спартакиада ўтказди.

Ҳозирги босқичда касабаси уюшмаси аъзоларини соғломлаштириш ва маънавий камол топтиришда, - деди Тошкент вилояти металлургия ва маши-

насозлик тармоқлари саноати ходимлари касабаси уюшмаси пленумида маъруза қилган мазкур кўмитаси раиси Б.Аҳмедов, - жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият бермоқдамиз.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Маърузачи ва маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққанлар илгор тажрибаларни таъкидлаган ҳолда қамчиликларни қаттиқ танқид остига олдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, жойларда барча ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга ўзла жалб этилмаяпти. Мазкур муҳим масала юзасидан чуқур таҳлил олиб бориш, спорт клублари ва иншоотлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ёшлар-

ни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш юзасидан самарали тadbирларни белгилаш даркор.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чо-

қўб жиҳатдан боғлиқдир.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик тармоқлари ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг «Ёш авлоднинг тарбиялаш, оилани мустаҳкамлашдаги ишларни фаоллаштириш, ва 1999 йил - «Аёллар йи-

таллар комбинати касабаси уюшма кўмитасининг раиси З.Ғаниева, Машинасозлик бўйича республика лицейининг 2-курс талабаси Г.Йўлдошева, «Трансформатор» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшма кўмитасининг раиси П.Гўль, «Чирчиқкишлоқ» қорхонасининг 5-цех назоратчиси М.Собирова ва бошқалар ёш авлод тарбияси йўлида меҳнат жамоаларининг ролини оширишда касабаси уюшма ташкилоти томонидан қўшимча тadbирлар белгилаш, жисмоний тарбия ва спортни кенг ёйиш, Аёллар йили муносабати билан жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритиш, самарали меҳнат қилиш учун иш шароитларини яхшилаш, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ишини яхшилашга алоҳида эътибор бериш тўғрисида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Б.ПўЛАТОВ.

Бугуннинг долзарб муаммоси

Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизларнинг пайдо бўлиши - бу табиий ҳол. Чунонки, тараққий этган мамлакатларда ҳам ишчи ёки ходимнинг касбий малакаси юқори мезон ва талабларга жавоб берган тақдирдагина у ишга олинади. Бошқача қилиб айтганда, қорхона ёки фирмага иш сўраб мурожаат қилганлар махсус синовдан ўтганларидан сўнггина жамоа аъзоси бўлиши мумкин. Шу муносабат билан бир воқеа ёдга тушади. Тошкентда фаолият кўрсатаётган чет эл фирмаларидан бирига синов тартибидеда, тартиб-интизомга риоя этишида собитлик бўлмагани учун ишга олинмади. Кўриниб турибдики, бундай танлов усули сарани-саранга, пучакчи-пучакча ажратиб, ишловчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиради. Бундай шароит эса пировард натижа - самарадорликни таъминлашга олиб келади.

Дейлик, жамоа ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айлантирилгач, ўнлаб деҳқон ишсиз қолиши мумкин. Бундай пайтда ана шу кишиларни касб-кори, лаёқатига қараб ишга жойлаштириш, ижтимоий муҳофазаси қилиш масаласи кўндаланг бўлади. Ушбу эзгу иш билан шуғулланиш вазифаси маҳаллий меҳнат, иш билан таъминлаш (меҳнат биржаси) ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига зиммасига юклаган.

Ғиждувон туман меҳнат биржаси маъмуриятининг шу йўналишда амалга ошираётган ишларининг намуна қилиб кўрсатса бўладиган жиҳатлари бор. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида жами 627 нафар, шундан 297 нафар хотин-киз биржага мурожаат этишди. Ҳўш, уларга қандай маслаҳат ёки тавсиялар берилди? Қанчаси ишга жойлаштирилди?

Бўлимимиз орқали 403, шу жумладан 136 нафар хотин-киз иш билан таъминланди, - дейди меҳнат биржаси бошлиғи Баҳриддин Одилов. - Мақсадимиз ариза ёзиб,

ни эгаллаши учун «Устошогирд» гуруҳига бириктиб қўйилди. Шундай қилиб, ёшларга касб ўргатиш режаси 110 фоиз бажарилиб, ушбу тadbир учун 102 миң сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, туман ҳокимининг шу йил 5 февралда чиқарган 122-сонли қарорига асосан, иш билан вақтинча банд бўлмаган фуқаролар учун жамоат ишларини ташкил этиш мақсадида 30 дан ортиқ қорхона фаолияти ўрганиб чиқилди. Натижа-си ўлароқ ўтган биринчи чорақда 86 нафар киши қишлоқ ҳўжалигидаги мавсумий йомушларга тортилади. Ишсизлик нафақаси

ИШСИЗЛИК

Бозор иқтисодиёти шароитида унинг вужудга келиши табиий ҳол. Фақат бу муаммо жойларда қандай ҳал этилмоқда?

олиб турган фуқаролардан бир қисми касбий таълимга юборилди. Ишсизлик макомини олганларга эса тегишли нафақа тайинланди. Муддатидан икки йил олдин пенсияга чиқарилганлар учун эса салкам 68 миң сўмлик нафақа пули ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оила-ларга моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида» қарори бўйича ҳам тегишли тadbирлар амалга оширилмоқда. Йилнинг ўтган уч ойида 2012 оиладан ариза тушган бўлса, улардан 1175 нафарига моддий ёрдам кўрсатилиб, қолган аризалардаги илтимослар асосли бўлмаганлиги сабабли рад этишга тўғри келди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Жиззах вилоят ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш борасида ўр-қарга қўйган вазифаларни бажариш бўйича вилоят ташкилотлари раҳбарлари олдида турган вазифалар ҳамда «Камолот» жамғармаси вилоят барча бўлимлари фаолиятини жонлантириш масалалари муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар Ўртбошимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари меҳнат аҳли, деҳқонлар, фермерлар, ёшлар ва туманлар раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатлари чоғида ушбу вилоятларда иқтисодий тарбия барча жаҳаларида амалга оширилаётган ишлар теран таҳлил этилиб, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилганини таъкидладилар. Бу камчиликларнинг аксарияти Жиззах вилоятда ҳам мавжудлиги, жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сустлашқик йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Айрим меҳнат жамоаларида, айниқса ёшлар ўртасида интилиш, изланиш ва ташаббускорлик етишмаётганлиги эътибор қаратилди. Жумладан, «Камолот» жамғармаси барча бўлимлари фаолиятини тақомиллаштириш, ёшларни миллий ва умумбашарий кадрлар руҳида тарбиялашга эришиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда Ўртбошимиз кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда вазифалар белгилаб олинди.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» муҳбири.

Адолат мезонлари

- Бундай шикоятларни судларда кўриб чиқиш тартиби қандай?

- Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан қилган шикоятлари суд томонидан фуқаровий судлов ишлари юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасига асосан фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилингандан кейин ўн кун муддат ичида кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Алоҳида ҳолларда ўта мурраккаб ишлар бўйича судья бу муддатни асосланган ҳолда кечиктириши ва йигирма кунга узайтириши мумкин.

Иш судда кўришга тайёрлаб бўлинган вақтдан эътиборан, у бир ой ичида кўриб чиқиши лозим.

- Битимлар тузиш ва улар қандай ҳолларда ҳақиқий ҳисобланмаслиги ҳақида тушунча берсангиз.

- Фуқаролик кодексининг 9-бобида битимлар тушунчаси, уларнинг турлари ва шакли ҳақида, шунингдек, қандай ҳолатларда уларнинг ҳақиқий эътибори масалалари ёритилган.

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. Агар битимлар тузилаётган вақтнинг ўзидеёқ бажариладиган бўлса, у оғзаки тузилади. Масалан, жетон ёки патта сотиб олишда айнан шундай оғзаки битим тузилиши мумкин.

Агар юридик шахслар ўзаро битим тузишни хоҳласалар, шунингдек, юридик шахслар билан фуқаролар битим тузадиган бўлсалар ҳамда фуқаролар ўртасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари ҳажмидан ортиқ миқдордаги битимлар ва қонунда белгиланган ҳолларда эса, битим миқдоридан қатъи назар бошқа битимлар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби билан битимлар нотариал идорасида тасдиқланиши керак.

Ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар, яъни мол-мулкни бошқара бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Лекин амалиётда қонуннинг бу талаблари ҳамма вақт ҳам фуқаролар томонидан бажарилавермайди. Айниқса, кейинги йилларда баъзи фуқароларимиз уй-жойларини сотаётганларида ёки сотиб олаётганларида олди-сотди шартномасини нотариал

идораси тасдиқлаш лозимлигига эътибор қилмасдан, оддий ёзма равишда ўзаро битим тузиш билан кифояланмоқдалар. Уйни бундай шароитда сотган шахс эса қайтадан уйни бошқа шахсга нотариал тасдиқланган шартнома асосида сотиб, ўзи республикамиздан чиқиб кетган ҳоллар хусусида кўпмакисол келтириш мумкин. Оқибатда уйни сотиб олган иккала шахс ҳам даъво аризаси билан судга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, яъни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сў-

тан. Демак, Б.Чункаева М.Раҳмонова ҳамда А.Ногайнинг катта миқдордаги пулини ўзлаштириб олган. Шу асосда прокуратура томонидан Б.Чункаевага нисбатан Жиноят Кодексининг 168-моддаси 4-қисми (жуда кўп миқдорда фирибгарлик қилгани учун) билан жиноий иш кўзга-тилган, ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар бир фуқаро уй-жойни олишдан олдин шу турар жойни (квартира ёки уйни) бориб кўриши, унда яшаётган фуқароларнинг жойига нисбатан ҳуқуқлари-

тини бажармаган тақдирда гаровга олувчи бу мажбурият бўйича ўз қўйган талабини, яъни гаровга қўйвчининг бошқа кредиторларига нисбатан имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгиланган чегиралардан кейин ҳақли бўлади.

Гаров шартнома ёки қонун асосида юзага келади. Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган вақтдан нотариал идораси томонидан тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқлангандан кейин агар рўйхатдан ўт-

ма тегишли мол-мулк ҳақида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Гаров тўғрисидаги шартномалар талабларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган бўлса, бу унинг ҳақиқий эмас, деб тан олинмишига шубҳа бўлади. Бу ҳолатни ҳам мисоллар асосида кўриб чиқсак.

В.Богдановадан Ю.Ковальский катта миқдорда пул қарз олиб, қарзни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда ўзига тегишли бўлган уй-жойни гаровга қўйиши ҳақида ўзаро нотариал идорасида тасдиқланган гаров шартномасини тузганлар.

Қарз олгандан кейин Ю.Ковальский Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетган ва шартномада кўрсатилган муддатда пулни қайтармаган. Кейинчалик Ковальский гаровга қўйилган уйни қариндоши бўлган Силантьевларга нотариал тасдиқланган шартномага кўра уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома берган. В.Богданова судда даъво кўзгаб, гаровга

Биздан сўрабсиз

Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош позитри Ҳамидулла ПРЕМКҲУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: 1950 йилда туғилганман. Ўрта мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. 1976-йилнинг июн ойида турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим Курол Сейдоновнинг еттига фарзанди онасиз қолган эди. Уларнинг еттасини ҳам оқ ювиб, оқ тараб, тарбиялаб вояга етказдим. Шу ўринда мен ҳам аёлларга бериладиган имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдалана оламанми?

Қ.Собирова, Ҳоразм вилояти, Гурлан тумани, «Амударё» жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддаси «К» бандида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари 25 йилдан кам бўлмаган махсус иш стажига эга бўлсалар умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин пенсияга чиқишлари мумкинлиги кўрсатилган. Мана шу қонуннинг тадбиқи этилишига доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан бир қатор ҳужжатлар тасдиқланган бўлиб улар жумласига умумий белгиланган ёши 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати ҳам тасдиқлангандир. Бу рўйхатнинг XXXV бўлими 7-қисмининг 2-бандида кутубхоначилар ва кутубхона мудирлари ҳам умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқишлари мумкинлиги кўрсатилган. Таъкидлашимизки, бундай ҳуқуқдан фойдаланиш учун улар айнан шу ишда 25 йилдан кам ишлаган бўлишлари мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтишда бўлса, Сизнинг кутубхонада ишлаган даврингиз қонун ҳужжатларида кўрсатилган меъёрлар учун етарли бўлса, 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз. Болаларингиз масаласига келсак, юқорида номи қайд этилган Қонуннинг 11-ша, яъни 12-моддасининг «3» бандида айтиладиги, 5 ёки ундан кўп болани туғиб 8 ёшгача тарбиялаган оналар ҳамда болаларда ногирон фарзандни шу ёшгача тарбиялаган оналар керакли меҳнат стажига эга бўлсалар, умумий белгиланган ёшдан 5 йил аввал пенсияга чиқишга ҳақлидирлар. Бу тартибни қўллашда ўз фарзандлари қаторида ўғай болалар ҳам инобатга олинади, агар ўғай она бу болаларни 8 ёшга кирганга қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса.

Хатингиздан кўриниб турибдики, Сиз фақат иккита фарзандингизни 8 ёшга тўлгунга қадар 5 йил ва ундан кўп вақт тарбиялаган экансиз. Шу боисдан ҳам Сиз имтиёзларнинг бу туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасиз!

САВОЛ: Мен 1949 йил 15 ноябрда туғилганман. Еттига болам бор. 15 йилдан буён мактабда (бошқа жойда 15 йиллик стажим ҳам бор) лаборант бўлиб ишлайман. Мен ҳам аёлларимизга берилган бир йил олдин пенсияга чиқиш имтиёзидан фойдалана оламанми?

А.Турсоатова, Ҳузур тумани.

ЖАВОБ: Йўқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелидаги Қарори билан амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақида»ги қонунига киритилган қўшимча имтиёз фақат умумий белгиланган пенсия ёшида, яъни 55 ёшда пенсияга чиқувчи аёллар учунгина тадбиқ этилади. Сиз 5 тадан кўп болани туғиб уларни 8 ёшгача тарбиялаганингиз учун шу қонуннинг 12-моддаси «3» бандига асосан 50 ёшдан имтиёзли тарзда (умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин) пенсияга чиқишга ҳақлисиз.

САВОЛ: 1950 йил 15 ноябрда ту-

ғилганман. Бешта фарзанднинг онасиман. Ўттиз (30) йилдан буён мактабда кутубхона мудир бўлиб ишлайман. 1999 йил 15 ноябрда пенсияга чиқишим мумкинми?

Яъни Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги қарори бизларга ҳам тадбиқ этиладими?

Г.Ўролова, Ҳузур тумани.

ЖАВОБ: Сиз кутубхона мудирини сифатида ҳам, бешта фарзанд туғиб уларни саккиз ёшгача тарбиялаган она сифатида ҳам «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси «3» ва «К» бандларида асосан умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Аммо, 1999 йил 14 апрелидаги Олий Мажлисининг қарори бўйича берилган қўшимча имтиёз Сиз учун тадбиқ этилмайди.

САВОЛ: 1921 йилда туғилганман. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи гуруҳ ногирониман. Давлат томонидан ЗАЗ 968 М маркали «Запарож» энгил автомашинаси бепул ҳада этилган. Ҳозирги кунда автомашинам ремонтталаб. Автомашинани ўғлимга ҳужжатлаштириб беришим, яъни унинг номига ўтказишим мумкинми? Агар мумкин бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

М.Абдиев, Чирокчи тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 207-моддасида хусусий мулк тушунчаси берилган бўлиб, унда - Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларида мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир, дейилади. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Демак, хатингизда сўз юритган автомашина ўз вақтида амалда бўлган қонун-қодалар асосида берилган ва у сининг мулкнинг ҳисобланади. Ўз навбатида Сиз уни тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

Автомашинани ўғлингизга расмийлаштиришга келсак, юқорида қайд этилган Кодекснинг 502-моддасига биноан уни ўғлингизга ҳада қилишингиз мумкин. Ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади (ёхуд унга ўзига ёки унинг шахсга нисбатан мулк ҳуқуқини (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки унинг шахс олдидаги мулкнинг мажбуриятлардан озод қилади ёкинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганда ё бўлмаса муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома ҳада деб тан олинмайди. Бирон бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон бир шахснинг мулкнинг мажбуриятдан озод этилиши ваъда қилиш (ҳада қилишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ёки мулкнинг ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкнинг мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўришиб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади. Кўчар мулкни ҳада қилиш шартномаси:

- ҳада қилувчи юридик шахс бўлганда;
 - фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ миқдорда шартнома тузилаётганда;
 - шартномада келажакда ҳада этиш ваъда қилинган ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилиши лозим.
- Сиз автомашинани ўғлингизга расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилишингиз зарур бўлади. У ерда ҳада шартномасини расмийлаштирилганидан сўнг ДАН органида тегишли амаллар бажарилади, ҳужжатлар расмийлаштирилади.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ ТАЛАБ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БИЛИНГ!

Машхура САФАЕВА, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

раб мурожаат қилмоқдалар.

Гапимнинг исботи тарихида қуйидаги фуқаролик ишларини мисол келтириб ўтсам:

Сирғали тумани, 8-а мавзе, 12-уйнинг 108 квартираси эр-хотин Чункаевларга тегишли бўлган. Уй бекаси Б. Чункаева ушбу турар жойни 1997 йил М.Раҳмоновага 900 минг сўмга сотиб, уни уйга ҳам киритган. Лекин улар шартномани нотариал идорада расмийлаштирмаганлар. Орадан бир ой ўтгач, Б.Чункаева айнан шу турар жойни А.Ногайга нотариал тасдиқланган шартнома асосида сотган.

А.Ногай судга мурожаат этиб, низоли турар жой-

ни аниқлаштиришлари, казилимо шарт бўлса, агар квартира хусу-

рўйхатдан ўтказилган ва-

қтдан бошлаб вужудга келади.

- Гаров тўғрисидаги шартномани тузиш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.

- Гаров тўғрисидаги

қўйилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни. Силантьевларни уй-жойдан кўчиришни талаб қилган. Силантьевлар ҳам судда низоли уй учун Ковальскийга пул бериб, уни сотиб олганликларини билдирдилар.

Ишни кўриш вақтида Ковальский республикадан ташқарига чиқиб кетганлиги ва уни яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаганлиги боис иш унинг иштирокисиз кўрилиб, ҳал этилган.

Сирғали туман судининг чиқарган ҳал қилув қарорига кўра В.Богданова ва Ю.Ковальский томонидан тузилган гаров шартномаси қонун талаблари асосида бўлгани, Ю.Ковальский В.Богдановадан олган пулини қайтармагани сабабли Богданованинг даввоси қисман қаноатлантирилган ва унинг Ковальскийга тегишли бўлган уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақида даъвоси рад қилинган. Силантьевлар низоли турар жойдан кўчирилганлар.

Суд томонидан Ю.Ковальскийнинг В.Богдановадан олган (ҳозирги қиймати) 556710 сўми низоли турар жой сотилишидан тушган пулдан унинг фойдасига ундириб берилган.

Бу каби ҳолатларни алоҳида эътироф этишимдан мақсад, ҳар бир инсон қонунга ва фақат қонунга риоя этган ҳолда иш тутса, қилган ҳаракатлари ёки ишлари доимо тўғри ҳисобланади, пулига, молига қуйиб қолмаслигини эслатиб ўтишдир.

Сухбатдош: Д.АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.



дан М.Раҳмоновани кўчириб чиқаришни сўраган. М.Раҳмонова ҳам қарши даъво кўзгаб, Б.Чункаевдан уй учун тўлаган пулини ундириб беришни сўраган. Б. Чункаеванинг солиқ турмуш ўртоғи Р.Чункаев эса, қарши даъво кўзгаб, Б.Чункаева ва А.Ногай ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Сирғали туман судининг 1999 йил 15 январдаги ҳал қилув қарорига кўра Р.Чункаева ва М.Раҳмонованинг даъво талаблари қаноатлантирилган. Б.Чункаева судга келмай қочиб юрганлиги сабабли, иш унинг иштирокисиз кўрил-

тил миқдори кўрсатилган тақдирда олдини, ҳатто қўшнилardan ҳам маълумот сўралиши лозим бўлади.

- Охириги вақтда айрим шахслар бошқалардан қарз олиб, эвазига уйни гаровга қўйганлиги ҳақида кўп эшитаяпмиз, бу қанчалик тўғри? Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари қандай?

- Бир шахснинг бошқа бир шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларини таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров шартларига кўра қарздор шахс гаровга олувчининг мажбурият бўйича гаров билан таъминланган мажбурият-

шартномада гаров қиймати ва унинг моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт. Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулк ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал идорасида тасдиқланиши шарт. Бу шартно-

Хат тахрирсиз босилмоқда ФЕРМЕРГА ТЎСИҚ

Биз «Ишонч» газетасини инсон манфаатларини ҳимоя қиладиган рўзнома сифатида мунтазам ўқиб борамиз. Муаммоларимизни ҳал этишда «Ишонч»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонасида мунтазам бериб бориладиган савол-жавоблар, мутахассисларнинг чиқишлари катта ёрдам берапти. Ҳаммадан ҳам бизга ўшаган фермер хўжалиқлари билан қайта ишлаш қороналари ўртасида имзоланган шартнома бандларининг ижроси ҳақидаги мақолаларни ўқиб қониқиб ҳосил қилаяпмиз. Лекин афсуски, бизнинг Жондор туманида бундай бўлмапти. Масалан, «Мурод», «Ният», «Шохрух» фермер хўжалиқлари билан Бухоро ва Когон ёқ-экстракция хиссадорлик жамиятлари ўртасида тузилган шартномалар гоғозда қолиб кетаяпти. Уларнинг ижроси ҳанузгача таъминланмапти. Яъни, чорва озукаси жуда кам миқдорда етказиб берилмапти. Гарчи шартномада беш

тақвим - 35 кун мобайнида якуний ҳисоб-китоб ишларини ниҳоясига етказиш кўрсатилган бўлса-да, 1998 йил у ёқда турсин ҳатто 1997 йилги якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилмаганига нима дейсиз?

Бу, Олий Мажлис сессиясида фермер хўжалиқлари тўғрисида қабул қилинган қонун талабларига ҳам сира мос келмайди. Шу сабаб қайта тайёрловчилар билан шартномада кўрсатилган муддатларда орани очиб қилиш тарафдоримиз. Нега энди бошқаларда бу масалада ижобий силжишлар бўлган-у, бизга келганда сансаорлик бўларкан?

Қонуний талабларимиз амалга оширишда газета ўз хизматини аямаслигига ишонамиз, деб: «Мурод», «Шохрух», «Ният» фермер хўжалиқлари раҳбарлари:

Карим ТИЛОВОВ, Баҳром БАҚОЕВ, Ҳамид ТОЛИБОВ.

Нурилла Давлетбаев Конимех туманидаги «Шўрқўл» жамоа хўжалигига дуруст раҳбарлик қил-

ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПДИ

либ келар эди. Нима бўлди-ю, лифтохонада даволанаётган пайтда даб-дурустан ишдан бўшатишди. Номигагина ўтказилган йиғилишда жамоа хўжалиги Низоми қоидаларига риоя қилинмади. На жойлардан йиғилишга меҳнатқашлар вакиллари сайланди, на касаба уюшма фикри билан қизиқишди. Ниҳоят, Конимех туман суди

бу машабага узил-кесил нуқта кўйди. Суд меҳнат Кодексининг 111-272-моддалари ва Фуқаро-

лик процессуал кодексининг 203-моддаси асосида Нурилла Давлетбаевни ўзи ишлаб келган «Шўрқўл» жамоа хўжалиги раислигига қайта ишга тиклади. Шунингдек, унинг мажбуран ишсиз юрган даври учун иш ҳақи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. «Ҳақ жойида қарор топди», - деганлари шу бўлса керак-да.

Ялғош САРИЕВ.

«ФУҚАРОИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

Пахтакор туман прокуратурасида яқинда ўтказилган «Фуқароингизни биласизми?» мавзусидаги давра суҳбатига туман ҳудудидаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари тақлиф этилдилар. Уларга тарқатилган махсус хатжилдларда у ёки бу аҳоли манзилида қанча одам яшаши, уларнинг ёшлари ва жинслари, нима билан машғулликлари, қайси жамоа ташкилотига ёки партияга мансублиги ҳақида саволлар бор эди. Барча саволларга пухта жавоб берган Акмал Икромов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озодахон Қўшбоқова ўз фуқароларини яқиндан билишни исботлади. Туман прокурори Шухратжон Алиризаев буни эътироф этаркан, ўз-ўзини бошқариш органилари раҳбарларига аҳолининг фойдали меҳнат билан бандлигига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқитди.

Келди ДҮСТБЕК.

Оммавийлик шиори остида

Ўтган йили касабани уюшмалари таркибидagi бир неча тармок спорт жамиятлари бирлаштирилиб ягона жисмоний тарбия ва спорт жамияти тузилган эди. Хўш, бундан қўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат? КУФКнинг 1996 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ 1997 йилдан эътиборан туман кўмиталарида спорт ва соғломлаштириш ишлари бўйича раис ўринбосари лавозимлари жорий этилди. Меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш, аҳолининг барча қатламини оммавий спортга жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Тармоқларда қишлоқ спортини янада ривожлантириш ва унинг кенг меҳнаткашлар орасида оммавийлигига эришиш мақсадида ўтган йили Бухоро туманидаги «Маданият» ва Вобкент туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжаликлари спорт комплексларида муҳим тадбирлар режалари белгиланди.

Унда тажриба алмашиш, мулоқот ва ўзаро муносабатлар борасида ҳар бир туман бўйича ахборотлар тингланди, ечимини кутаётган муаммолар батафсил таҳлил этилди. Оммавий спорт тадбирларининг йиллик режаси тасдиқланиб, барча хўжалиқлар, туманларга етказилди. Бу тадбирлар тезда ўз самарасини бера бошлади. Бунинг инъикоси сифатида тармоқдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида мини футбол бўйича вилоят саралаш турнири ўтказилиб, Қорақўлдаги 1-сон Бола-


дий мусобақаларда ғолиб чиққан Когон туманининг «Зарафшон» жамоа хўжалиги спортчилари республика турнирида иштирок этиб фахрли 4-ўринни қўлга киритдилар.

Тармоқ меҳнаткашларининг ҳар бир қатламига мансуб аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш вилоят кўмитаси диққат марказида турибди. «Оила йили»да «Спорт

якши эмас. Қолаверса касабани уюшмалари фақат спорт шўхрати учун эмас, балки унинг оммавийлиги учун интиладиغان ташкилот. Дарвоқе, мамлакатимизда соғлом авлод учун кураш борар экан, бунинг спортсиз тасаввур этиш қийин. Спортнинг оммавийлигига эришиш, истеъдодли спортчиларни тайёрлаш, бу соғлом авлод, соғлом муҳит, соғлом миллат, соғлом мамлакат демакдир.

Спортнинг оммавийлигига фақат пул билан эришиб бўлмайди. Корхоналарда ишлаб чиқариш гимнастикасини йўлга қўйиш, ёхуд жойларда ишловчиларнинг волейбол ва футбол ўйнашлари учун шароит яратиб бериш катта маблағ талаб қиладиган иш эмас. Айтилик, чекка бир қишлоқ ёхуд маҳаллада ўзаро футбол, волейбол мусобақаларини ташкил этиш учун ҳашаматли ўйингоҳ бўлиши шартми? Шахмат, шашка, қўл тўпи, енгил атлетика сингари спорт турлари учун махсус спорт залларининг ҳолати йўқ. Бундай мусобақаларни гузарларда, мактаблардаги майдончаларда ҳам ўтказса бўлади-ку.

Демокриманки, тадбиркорлик билан иш юритилса ҳамма нарсанин улдасидан чиқса бўлади. Халик БОҚОЕВ, Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.



«ИШОНЧ» ПЛАНОВИТА

Юлдузлар чакнайди кўзларингизда, Чечаклар унгусли изларингизда Болалар бизлардан бахтли бўлади. Ширмой юзингизда куёш Ширмой юзингизда куёш бўлади. А.Тўраев олган сурат лавҳаси.

ИЗЛАСАК ИМКОН БИСЁР

лар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)нинг ғолиб жамоаси Тошкентда ўтган республика мусобақасида фаол иштирок этди. Айниқса, «Отам, онам ва мен - бахтли оиладанман» шиори остида ўтказилган оммавий спорт мусобақасида вилоят бўйича 168 та оила иштирок этиб ўз жисмоний лаёқатларини синовдан ўтказдилар.

«Камолот» кубоги учун баскетбол ва волейбол мусобақалари ҳам оммавий тус олди. Мусобақаларнинг босқичма-босқич ўтказилиши давомида фақатгина шу турнирда икки мингга яқин эркак ва аёллар иштирок этдилар. Баскетбол бўйича худу-

да меҳнат» шиори остида қорақўллик Норқул Аллоқулов бошлиқ қишлоқ спортчилари оиласи ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳа - варақа (300 нусхада) чиқарилди.

Бу йилги «Аёллар йили»да Вилоят кўмитаси белгиланган 9 та спорт ўйинларини тадбирларининг ҳар учала (бошланғич, туман ва вилоят) босқичларида жами 26 минг қишлоқ спортчиларини жалб этиш режалаштирилган. Бу кўрсаткич катта сон бўлиб кўрсаларда тармоғимиз аъзоларининг атиги 12 фоизини ташкил этади, ҳолос.

Тармоғимиздаги спорт ва соғломлаштириш соҳасидаги ишларимизни таҳ-

да шахид бўлганлар азиз хотирасига бағишлаб туман касабакўм раиси Нурмухаммад полвон Юсупов ташаббуси билан Қорақўлнинг «Қораун» қишлоғида вилоят миқёсидаги катта кураш турнири ўтказилди.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бошланган бу хайрли тадбирлар айни кунларда туманининг бошқа хўжалиқларида ҳам давом этмоқда.

Ҳозир спорт, жисмоний тарбия ўйинлари, тадбирларини ўтказиш учун маблағ йўқ, маблағ тақчил деган гапларни ҳам эшитамиз.

Ҳамма нарсани ҳам маблағ тақчиллигига йўйиб омонга қараб ўтиравериш

Саломатлик - туман бойлик

Бир танишим яқинда Қорақалпоғистонда бўлиб, маза қилиб дам олиб қайтганимни айтган эди, ҳамсўхбатларимиздан бири киноя аралаш мийғида қулиб қўйди. Биз унинг «Экологияси бузилган жойда дам олиб бўларканми?» деган сўзга қайтарганини тушундик.

Аммо у саҳро бағрини жаннатга айлантираётган бу юртинг одамлари ҳақида ҳали яқин тасаввурга эга эмаслигини сездириб қўйганди. «Қорақалпоқ-тинув» акциядорлик компанияси раҳбари Давлатали Сахиевнинг фикри эса мантиқли асосга эғалиги билан фарқланарди.

«ИССИҚБУЛОҚ» МИНГ ДАРДГА ДАВО

— Ўқувчилик пайтида пахта териб юриб, одамлар қўмлаётган ҳовузга қўзимиз тушиб қолди, -деб эслайди у. -Биз ҳам ўзимизни тийиб турулмадик. Қарасак, суви иссиқ, ҳайрон бўлиб суриштирдик.

— Унинг номи Иссиқ булоқ, дейишди улар, -бу ердан қишин-ёзин иссиқ сув чиқиб туради, кўп дардларга даво.

Ушанда юрагимнинг бир чеккаси «жи» этгандай бўлди. Орадан ўн йиллар ўтди, аммо Иссиқ булоқни унутолмадим. Бунинг қаран-ки чин кўнгилдан бирон нарсани ниёт қилсанг шунга эришар экансан.

Ўтган йили акциядорлик компаниясига раис бўлганимдан кейин маслаҳатлашиб, ёшлимизга орау қилган жойга санаторий қуришга қарор қилдик...

Дарҳақиқат, мана, олти йилдирки «Қорақалпоқ-тинув»га қарашли «Иссиқбулоқ» санаторийи меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда республиканинг турли ҳудудларидан келган беморлар шифо топмоқдалар.

— Шу кунгача санаторийимизда 6000 нафардан зиёд киши шифо олди, - дейди санаторий бош шифокори Зухра Пахратдинова. - Ҳозирча суяк, қон томир, буйрак, ошқозон-ичак, тери, аллергик касалликка чалинганларни даволаямиз.

Иссиқбулоқ сувининг таркибида брон борлиги асаб системаси фаолиятини яхшилашга омил бўлаётир. Бир кун компания раҳбари гиёҳвандларни ҳам даволаб кўрмайизларми, деган тақлифини айтиб, қолди. Бу бизга ҳам маъжул тушди.

Умуман, шифо масканида мириқиб дам олиш ва шифо топиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Дам олиш хоналари, сауна, спорт ўйингоҳлари ва анжуманлари мижозлар хизматида. Яқинда бу ерга олис бир қишлоқдаги фойдаланмасдан ётган кутубхона кўчириб келинди.

Яна бир янгилик. У ҳам бўлса туман ҳокимлиги билан келишиб, 50 гектар фойдаланмасдан ётган ер олинди. Шу ерлар ўзлаштирилиб, бог қилинмоқчи. Яқин орада санаторий ўз ёрдამчи хўжалигига, ишлаб чиқариш цехларига эга бўлади. Богнинг бошланғич қисмида эга гузар барпо этиш режалаштирилган.

Қисқаси, шўрхок ерлардан иборат ташландиқ ерда кўркам, кўкаламзор бог барпо этишга киришилди. Ҳадемай, оромгоҳ таниб бўлмас даражадаги киёфга кириши аниқ. «Иссиқбулоқ» эса ўзининг иссиқ оғуши билан юзлаб беморларни дарддан фориг бўлишига хизмат қилишига ишончибиз қомил.

Муҳаббат Тўрабоева.

Ёз-ўтмоқда соз

БОЛАЖОНЛАР ЮЗИДА ТАБАССУМ

Ижтимоий ҳимоя бош тамойиллари ҳисобланган касабани уюшмалари бугун ёзги соғломлаштиришни намунали ўтказиш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Кунинкча Тошкентда бўлиб ўтган таътил мавсумида болаларни ёзги соғломлаштиришни ташкил этишчилар республика семинари кенгашида шу ҳақда алоҳида гап борди.

Шунингдек, унда йилги қолган масалалар, пайсалга солинмай амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ҳусусида ҳам атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди. Семинарда республика касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари О.А.Мухитдинова «Касабани уюшмалари ташкилотларининг болаларни 1998 йил соғломлаштириш янгулар ва 1999 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасидаги вазифалар тўғрисида» маъруза қилиб, жумладан шундай деди:

«... Бу йил барча турдаги оромгоҳларда 332 минг нафар болани соғломлаштириш ва дам олдириш мўлжалланмоқда. Орол бўйи ҳудудидан 4000 нафар бола Республиканинг энг сулуи оромгоҳларида дам олиши режалаштирилган...»

«Болаларни соғломлаштириш борасида касабани уюшмалари, жойлардаги мутасадди ташкилотлар ўз зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозимлиги таъкидланади, бу муҳим вазифага нуфузли жамоат ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўйиши муштарак мақсадларни амалга оширишда муҳимлиги қайд этилди. Жумладан халқ таълими вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун», «Камолот» давлат спорт комитети, «Маҳалла» хайрия жамғармаси каби-лар биргаликдаги саты-ҳаракатларида баракат, қўзланган ишининг натижаси мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақидаги фикр илгари сурилди. Дарҳақиқат, болаларни

дам олиши ва ёзги соғломлаштириш билан боғлиқ ишларда талабчанлик ва масъулилик билан ёндашиш шу куннинг талабидир.

Шунингдек, республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йулдош Саиджонов, Давлат Бош санитария врачининг муовини Нурмат Атабеков, КУФК ижтимоий сўғурта бўлимининг етакчи мутахасиси Раиса Шегай, КУФК меҳнат муҳофазаси ва экология бўлими мудири Герст Гаффаров ва бошқалар болаларни ёзги соғломлаштиришни намунали ташкил этиш йўлидаги чора-тадбирлар юзасидан гапирдилар.

Семинар кенгаш қатнашчилари билан болаларни соғломлаштириш бўйича Республика доимий Комиссия аъзолари ва вазирликлар, идоралар раҳбари билан «Давра суҳбати» атрофида кизгин савол-жавоб, мунозараларга бой бахслар бўлиб ўтди.

Ф.ҲОЖИКУЛОВА.

Ҳар тўғрида

кислорадсиз муҳитга чидамлиги 13 дақиқаю 42,5 сония.

* Жак Майоль деган 75 ёшли киши 1983 йили рус ва шунинг бўйича ҳамма-ни орқада қолдирди. У нафас олиш мосламасисиз 105 метр чуқурликка шўнғиди.

УЛКАН АТЛАС

Берлин шаҳар кутубхонасида ўлчами 171 x 110 сантиметр, оғирлиги 175 килограмм бўлган атлас сақланмоқда. Шу кунгача дунёдаги энг катта картографик нашр ҳисобланган бу атлас XVII асрда тайёрланган. Унда 35 та харита бор.

ЖОНЛИ МУЗЕЙ

Галле округидаги Зангерхаузен (Германия) боғини маҳаллий аҳоли фахр билан жонли музей деб атади. 90 йилдирки, бу ерда атиргулларнинг бир вақтлар жаҳонга машҳур ва манзур бўлган, лекин кейинчалик унутиб ю-

рилган навлари барқ уриб ўсмоқда.

Бу боғ 1903 йили ўтказилган «Гуллар маликаси» қурилтойи қатнашчиларининг қарорига мувофиқ барпо этилган. Бундан асосий мақсад йўқолиб бераётган ноёб гул навларини сақлаб қолиш эди. Ҳозир унда атиргуллар ўстирилмоқда.

ПИЁЗ ТАРИХИДАН

* Пиёз деярли барча мамлакатларда тарқалган, ундан хатто мурabbo ҳам тайёрланади.

* Пиёзнинг асл ватани Яқин Шарқ бўлиб, уни дастлаб қадимги ҳолдёллар ўстирган. Шунингдек, пиёз қадимги астрономлар учун биринчи кўргазмалли восита ўрнини олган эди. Улар пиёзни кўндаланг кесиб, шогирдларига коинот тузилиши ҳақида тасаввур беришган. Мунажжимларнинг айтишларича, коинот ерни ураб турган бир неча қатламдан иборат, яъни пиёз пўсти каби тузилган экан.

* Пиёз Яқин Шарқдан

Мисрга тарқалган ва у ерда ўзининг шифобахшлик хусусияти билан танилган.

* Антик даврда Рим легионларининг қудаллик овқатида пиёз бўлиши шарт эди.

* Римликлар у куч-қувват бахш этишдан ташқари, жангини жасур ҳам қиладди, деб ҳисоблаган. Уша замонлардан бери пиёзнинг бир нави «голиблар пиёзи» деган ном берилган, ҳозир у ёввойи саримсоқпиёз деб юритилади.

* Урта аср шифокорлари пиёз ҳиди кишини касалликлардан сақлайди, деб билишарди. Замонавий илмий асарларда пиёздан касаллик тарқатувчи бактерияларни ўлдирувчи фитонцид моддаси топилди.

* Пиёз қадимги юнонлардан славян қабилаларига ўтган.

* Халқ таъбаотида пиёз сувидан бош ва кўлак оғригини қолдиришда, соч тўкилишининг олдини олишда фойдаланишган.

МАКТАБ ОРОМГОҲЛАРИДА

Бугунги кунда туман халқ таълими бўлимининг бир қатор мактаблари қошида оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамза туман халқ таълими бўлимига қарашли 166- ҳамда 282- мактаблар қошида ташкил қилинган болалар оромгоҳларининг ҳар бирида бугунги кунда 150 нафардан болажонлар дам олмоқдалар. Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун мактаб-оромгоҳларида зарурий шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Шунингдек, ҳордиқ масканларида болажонларнинг ёзги таъилларини кўнгилли ўтказишлари мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам уюштирилмоқда. «Очқик эшиклар кўни», ёш техникларнинг «Кувноқлар ва зукколар» мусобақаси, «Эртақлар танлови», «Саломатлик эстафетаси», турли соҳа кишилари билан учрашув ва суҳбатлар, ҳар хил мавзудаги викториналар, «Шерият мушонаралари», расмлар танлови кабилар шулар жумласидандир.

Булardan ташқари фарзандларнинг кинофильмлар томоша қилишлари ҳам ташкил қилинган.

Шунингдек, туман халқ таълими бўлимига қарашли 77-ўрта мактабда оромгоҳларро «Ёз-99» спартакиадаси ўтказилди. Унда болалар спортнинг футбол, шахмат, шашка, енгил атлетика турлари бўйича куч синашдилар. Спартакиада голиблари туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрликлари, диплом ва бошқа совринлар билан мукофотландилар.

Келажак эгаларининг саломатликлари шифо қилиш ва ҳамшира назоратидадир.

Болажонлар уч маҳал иссиқ овқат, доимий равишда мева ва сабзавотлар, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланмоқдалар. Уларнинг она-оналарига қулайлик яратиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида касабани уюшмаси мактаб оромгоҳлари йўланмаси баҳосининг муайян фоизини тўлашга имконият яратиб бердилар.

Азиза МАМАЖИҚРАЕВА, Шаҳноза АКРОМОВА.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), «Ишонч-Доврий», А.Алламурадов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибинг 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсатимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотуви эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишда топшириқ вақти -21.00 Топширилди 23.00